

Анжуман аҳамияти юқори баҳоланиб, юрт уламолари хизмати эътироф этилди



09:21 / 30.04.2025 811

Самарқанд шаҳридаги халқаро конференция доирасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Қирғиз Республикаси мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдулазиз Закировни қабул қилдилар.

Учрашувда кейинги йилларда диний идоралар ўртасида алоқалар ривожланаётгани, қардош уламолар ҳамкорлиги тараққий этаётгани, халқаро анжуманларда биргаликда иштирок этиши, фатво ишлаб чиқиш ва муҳим саналарни белгилашдаги кенгашлар яхши натижа бераётгани қайд этилди.

Ўтган март ойида Хўжанд шаҳрида Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғиз

республикалари раҳбарлари давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома имзолагани тарихий воқеа бўлгани, ушбу ҳужжат баҳс-низоларни ортда қолдириб, абадий дўстлик ва қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлагани таъкидланди.

Қирғиз муфтийси сўнги йилларда Ўзбекистонда Ислом дини маърифатини кенг ёйиш, мўмин-мусулмонлар эҳтиёжини таъминлаш, масжид-мадрасаларни обод этиш ва улуғ алломалар меросига эҳтиром кўрсатиш, минтақада тинчлик-осойишталикни таъминлаш ва яхши қўшничилик муносабатларини шакллантириш йўлида олиб борилаётган ишларни юқори баҳолади.

Муфтий Абдулазиз Закиров Марказий Осиё ижтимоий ҳаётида диёримиз уламоларининг ўрни катта экани, улар қардош аҳли илмларга устоз сифатида қадрланиши, ҳар бир долзарб мавзудаги диний масалани кенгашган ҳолда амалга оширилишини билдирди. Шунингдек, минтақа учун аҳамиятли масалаларда фатволар эълон қилиш ва муҳим саналарни белгилашда Ўзбекистон уламолари етакчилигини эътироф этди. Бундан ташқари халқлар иттифоқчилиги таъминланишида Мир Араб мадрасасида таълим олган қардош уламоларнинг роли катта эканини таъкидлади.

Имом Мотуридий меросига бағишланган халқаро конференция ўзаро ҳамкорликнинг узвий давоми экани, унда мўътабар уламолар томонидан муҳим мавзулар кенг муҳокама қилиниб, бугунги кундаги долзарб ақидавий ва ихтилоfli масалаларга ечим топилишига Қирғиз муфтийси ишонч билдирилди.